

## Қўмита тизимидаги корхоналарда 3 мингта янги иш ўринлари очилади

---



2018 йил давомида Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидаги корхоналарда 3 мингта йўлчилар учун қўшимча иш ўринлари очилади. Бу ҳақда қўмита раиси А.Абдувалиев фаоллар иштирокида ўтказилган селектор йиғилишида маълум қилди.

Маълумки, умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни жорий таъмирлаш – қўмита ва унинг тизимидаги корхоналар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ходимлари олдида қўйилган талаблардан бири ҳам шундан иборат. Бундан ташқари, мамлакатда қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам – кун тартибдаги долзарб масалалардан бири.

Шундай қилиб, 2018 йилда Республикадаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган корхоналарда қўшимча равишда – йўл ишчилари штатлари очилади. Уларнинг сони Республика вилоятлари бўйича қуйидагича тақсимланган:

Қорақалпоғистон Республикасида – 224 та;

Андижон вилоятида – 183 та;

Бухоро вилоятида – 229 та;

Жиззах вилоятида – 216 та;

Қашқадарё вилоятида – 244 та;

Навоий вилоятида – 183 та;

Наманган вилоятида – 183 та;

Самарқанд вилоятида – 219 та;

Сирдарё вилоятида – 147 та;

Сурхондарё вилоятида – 182 та;

Тошкент вилоятида (Тошкент ҳалқа автомобиль йўлига хизмат кўрсатиш билан) – 600 та;

Фарғона вилоятида – 219 та;

Хоразм вилоятида – 146 та;

Қамчиқ довонида – 25 та.

Шунингдек, 2018 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлашга ихтисослашган 40 га яқин янги корхоналар очилиши белгиланган. Уларда ҳам қўшимча рақишда 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати